

# Аллоҳ уни мендан кетказди | Ҳадис дарслари (323-дарс)

**Ҳадис**  
ДАРСЛАРИ

**323-ДАРС**

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.

19:00 / 03 апрель 533

???????? ?????????? ????? ?????? ?????????? ?????? ??????

???????? ?????????????? ????????? ??????? ????????????

???????????? ??????????: ??? ?????????? ????????? ???????

????????????????? ?????? ??????? ?????????? ????????????

???????????? ?????????????????? ?????????????????? ????????????

????????? ?????????? ??????? ?????????? ??????? ????????????

?????????????: ?????? ?????????????? ?????????? ?????? ????????????

???????? ?????????????? ?????????????? ?????????? ??????????

???????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ????????

????????????????? ?????????? ?????????????????????? ?????????? ??????????.

????????????? ?????????????? ??? ??????????????????.

**«Усмон ибн Абул Осс розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, шайтон мен билан намозим ва қироатим орасида тўсиқ бўлди. У мени қироатда адаштиряпти», деди.**

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ўша Ханзаб деб номланадиган шайтондир. Қачон уни сезсанг: «Аъзу биллаҳи»ни айтгин-да, чап томонга уч марта туфлагин», дедилар.**

**У: «Мен шундай қилган эдим, Аллоҳ мендан уни кетказди», деди».**

*Муслим «Руқя» – «Дам солиш» бобида келтирган.*

**Шарҳ:** Усмон ибн Абул Осс розияллоҳу анҳунинг саволлари намоз ичидаги шайтон васвасаси ҳақида бўлган.

Ушбу ҳадисларга биноан, Ҳанафий мазҳабида «Биринчи рақъатда «аъзу биллаҳи» ичида айтилади», дейилган.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**